2006 ЙИЛ, 6 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 238 (10.795)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Тошкент вилояти ҳокимлигида давлатимиз раҳбарининг жорий йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ижросига бағишланган йиғилишда мазкур Қарор мамлакатимизда маънавий-маърифий ҳамда тарғибот ишларини талаб даражасида олиб бориш ва янада кучайтиришда муҳим омил бўлаётганлиги алоҳида таъкидланди.**

● **Кеча Тошкентдаги Темурийлар тарихи Давлат музейида «Нодир қўлёзмалар хазинасидан» деб номланган янги кўргазма очилди. Конституциямиз қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган кўргазманинг очилиш маросимида олимлар, музейшунослар, хорижий дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Марказий музейида Конституциямизнинг 14 йиллиги олдидан янги бадиий кўргазма очилди. Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ўзбекистон — менинг Ватаним» мавзуидаги ушбу кўргазмада бир гуруҳ таниқли мўйқалам усталарининг 30 дан зиёд асари намойиш этилмоқда.**

● **Давлат солиқ қўмитаси Ҳайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг 2006 йил 7 ноябрдаги «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг ижроси ва бу борада солиқ идоралари зиммасига юклатилган вазифалар қай даражада бажарилаётганлиги кўриб чиқилди.**

● **Кеча Тошкентдаги «Шодлик» меҳмонхонасида давлат товар белгилари ва санъат намуналари бўйича халқаро минтақавий семинар ўз ишини бошлади. Уч кун давом этиши кўзда тутилган мазкур анжуман Бутунжаҳон Интеллектуал мулк ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ҳамкорлигида ташкил этилди.**

● **Кеча Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида «Раж Капурни хотирлаб» мавзуидаги ўзбек-ҳинд мусиқали кечаси бўлиб ўтди. Мазкур ўзбек ва ҳинд халқлари санъати ва дўстлигининг ўзига хос байрами «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.**

● **Сирдарё вилоятининг Мирзачўл туманида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Гагарин шаҳридаги санъат саройининг иккинчи қавати қайта таъмирланиб, бадиий гимнастика ва хореография зали ташкил этилди. Спортнинг энг нафис турлари билан шуғуллана бошлаган мирзачўллик ёшлардан 50 нафари бадиий гимнастика кийимлари билан таъминланди.**

● **Наманганда чоп этилаётган вақтли матбуот нашрлари қаторига янги «Тиббиёт ва замон» журнали қўшилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳомийлигида чиқарилаётган мазкур журнал ижодкорлари тармоқдаги ислоҳотларни кенг ёритиш, тиббий хизмат маданиятини фаол тарғиб этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.**

● **«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан Косонсой туманидаги 23-«Лола» махсус мактабгача тарбия муассасасига 18,5 миллион сўмлик ўйин мажмуи тақдим этилди.**

● **Республикамиз товар ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари учун янги VSEM.UZ Интернет сайти ташкил этилди. Ушбу сайтга кирган ҳолда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан батафсил танишиш мумкин.**

ЖАҲОНДА

● **Венесуэла давлат раҳбари Уго Чавес мамлакатда ўтказилган президентлик сайловида ғалаба қозонди. У ўзининг асосий рақиби Сулио штати губернатори Мануэл Росалесни 61,35 фоиз овоз билан ортда қолдирди. Уго Чавес мамлакатни яна олти йил давомида бошқаради.**

● **Ливанда сиёсий норозиликлар кучайиб бормоқда. Мамлакат пойтахти Байрутнинг марказий кўчаларида мана бир неча кундирки, ҳукуматга қарши сиёсий чақириқлар билан норозилик намойишлари давом этмоқда. Улар мамлакат бош вазири Фуад Синиоранинг истеъфосини талаб қилишмоқда.**

● **Ҳиндистоннинг Бихар штатидаги темир йўл вокзалида йирик фожеа юз берди. Йўловчи поезднинг устига қадимий кўприкнинг қулаб тушиши оқибатида 34 нафар киши ҳаётдан кўз юмди, 50 га яқин йўловчи тан жароҳатларини олди.**

● **Фиджида давлат тўнтариши рўй берди. Куролли кучлар қўмондони Франк Байлимарама мамлакат бошқарувини тўлиқ ўз қўлига олди. У телевидение орқали чиқишида мамлакат бош вазирини айблади. Мамлакат парламенти ҳам тарқатиб юборилди.**

● **«Дуриан» тайфуни Филиппиндан сўнг Вьетнамга етиб келди. Мазкур табиий офат туфайли 10 нафар киши ҳалок бўлди, 50 киши яраланди. Дастлабки маълумотларга қараганда, 101 та уй харобага айланган, 800 та балиқчилар кемаси сувга чўкиб кетган.**

● **Россиянинг Челябинск областида микроавтобуснинг юк машинаси билан тўқнашиб кетиши оқибатида етти киши ҳаётдан кўз юмди. Тўқнашувга «Газел» микроавтобусининг қарама-қарши йўлга чиқиб кетиши сабаб бўлган.**

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **ЎТГАН** куни Мирзо Улуғбек туманида яшовчи кам таъминланган оилалар аъзоларига, ногиронларга Қизил Ярим Ой жамиятининг Мирзо Улуғбек туман Кенгаши ташаббуси билан эсдалик совғалари, дори-дармон воситалари туҳфа этилди.

● **ФАҲРИЙЛАРНИ** қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» ногиронлар жамиятининг Собир Раҳимов туман бўлимлари вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги, Халқаро ногиронлар куни ҳамда Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган оилаларда бўлишди, фахрийларга, ногиронларга кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотларини туҳфа этишди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги «Кулолқўрғон» маҳалласида Ҳомийлар ва шифокорлар йили ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига туҳфа сифатида бунёдкорлар томонидан қайта таъмирланган Маҳкам ота Қорабоев номидаги гузарнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

● **БЕКТЕМИР** туман ҳокимлигида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ва WORLD WISION—CARHAP UZBEKISTON халқаро ташкилоти ҳамкорликларида «ОИТСсиз — келажак сари» мавзуида уюштирилган семинарда туман мактабларининг юқори синф ўқувчилари иштирок этишди.

● **КЕЧА** Шайхонтоҳур туманидаги «Самарқанд дарвоза» маҳалласи гузарида Халқаро ногиронлар куни муносабати билан кам таъминланган оилалар фарзандлари, меҳрга ташна инсонлар, фахрийлар иштирокида ўтказилган хайрия тадбири Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш кунига бағишлаб Республика Саломатлик институтининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан ҳамда шаҳар ОИТС маркази ҳамкорлигида «Ваъдангизни бажаринг, ОИТСни тўхтатинг» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



«Чевар» корхонасида ишлаб чиқарилаётган бири-биридан бежирим ҳамда сифатли либослар харидорлар эътиборини қозонмоқда. Бу борада изланувчан модельер-конструкторлар ва моҳир чеварларнинг ҳиссаси катта.

СУРАТЛАРДА: тайёр кийимларни ўрашга ҳозирлашда дазмол босувчи Ҳилола Қурбонованинг алоҳида ўрни бор; уста Муяссар Халилова ҳамда тикувчи Дилноза Турсунова ҳамкорликда ишлашади.

КОНСТИТУЦИЯ: ҲУҚУҚ, БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ



РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИДА "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ: ҲУҚУҚ, БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ" МАВЗУИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ. РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТА ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН АНЖУМАНДА ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАР, МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ МАРКАЗЛАРИ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Анжуманда Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда олиб борилаётган жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида тинчлик ва осойишталикни, кўпмиллатли давлатимизда қарор топган дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллати ва динидан қатъи назар, барчанинг бурчи экани таъкидланди.

Мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг маданияти, тили, анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ривожлантириш масалаларига давлатимиз томонидан алоҳида эътибор берилаётир. Ўзбекистонда миллатлараро, динлар ва фуқаролараро тотувликни таъминлаш масалаларига доир ҳуқуқий меъёр ва кафолатлар Конституциямиз ҳамда бошқа қонунларда қатъий белгилаб қўйилган.

Юртимизда бир оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қилаётган бир юз ўттиздан ортиқ миллат вакиллари, турли маданиятларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва бир-бирини бойитиши ўзининг меҳр-оқибатлилиги, тинчликсевар ва бағрикенглиги, саҳийлиги билан ажралиб турувчи халқимиз маънавиятининг асосларидан бирини ташкил қилади.

Айни пайтда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бир юз элликка яқин миллий маданият марказлари томонидан амалга оширилаётган ижтимоий-маърифий тадбирлар одамларда эртанги кунга ишонч туйғуларини мустаҳкамлашга, баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилаётир.

Анжуманда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: кенг имкониятлар ва тенг шароитлар», «Бош Қомусимиз: кафолат ва ижро», «Қонун, мафкура ва маънавият», «Ўзбекистон хотин-қизлари бирлик ва ҳамжиҳатлик йўлида» каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди. Миллий маданият марказлари фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Абдуҳалимов сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН — ЁРҚИН ИСТИҚБОЛЛИ АЖОЙИБ МАМЛАКАТ

Сандра БЕРЕСЗКИ, Канаданинг Монреаль шаҳридаги МакГилл университети юридик факультети ҳуқуқшуноси:

— Менда улкан қизиқиш уйғотаётган дунёнинг энг мафтункор минтақаларидан бири тўғрисида суҳбатлашиш имкониятидан чексиз мамнуният билан фойдаланаман.

Мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон янгиланиш ва ислоҳотлар йўлига чиқди. У қонунчиликни таъминлаш ва тадбиркорлар манфаатлари, аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш борасида жиддий ютуқларни қўлга киритди.

Ўзбекистон — ёрқин истиқболли ажойиб мамлакат. Бу миллат қонунчиликни таъминлаш соҳасида, истиқодиёт ва сиёсатда ўз манфаатлари учун ҳамиша курашиб келмоқда.

1992 йилда қабул қилинган мукаммал ва замонавий Конституция билан бир қаторда, мамлакатнинг қонунчилик тизими юзлаб қонун ва меъёрий ҳужжатларни ўз ичига олган.

Афсуски, хорижий оммавий ахборот воситалари кўп ҳолларда Ўзбекистон Конституцияси, шу жумладан, халқаро мутахассислар иштирокида ҳам ишлаб чиқилганини унутиб қўймоқда ва юрист-ҳуқуқшунос сифатида мен мазкур Асосий Қонун ўз савияси жиҳатидан Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатларнинг айнан шундай ҳужжатларидан юқорироқ эканини ишонч билан таъкидлай оламан. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқаро андозалар ва БМТнинг Инсон Ҳуқуқлари Универсал Декларациясига тўла мос равишда ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон давлат тузилмалари суд тизими ва қонуннинг транспарентлиги ҳамда мустақиллигини кафолатлайди. Қонун чиқарувчи ҳокимият билан сиёсий арбоблар ўртасида доимий фаол мулоқот таъминланган.

Таъкидлаш жоизки, хорижий оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари борасидаги қирқдан зиёд халқаро меъёрий ҳужжатга амал қилиб келаётгани, шунингдек, Тошкент БМТ Тараққиёт дастури ва ЕХҲТ билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва ҳукумат тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини изчиллик билан амалга оширганидан кўп ҳолларда кўз юммоқда.

Ўзбекистондаги демократияни ривожлантириш тажрибаси инсон ҳуқуқлари ўзбек халқи томонидан юксак қадрланиши ва улар миллий дунёқарашнинг ажралмас қисми эканини намоён этди. Бу эса ўзбек халқининг онги етук даражада ривожлангани ва у билан дунёдаги бошқа маданиятлар ўртасида табиий алоқалар мавжудлигининг далилидир.

Ўзбекистон — давлат мустақиллиги тамойиллари тарафдори эканини эълон қилган, демократиянинг олий мақсадларига содиқлигини тасдиқлаган ва халқаро ҳуқуқнинг кўплаб тамойилларини устувор деб билган мустақил демократик мамлакатдир.

Ўз Конституциясининг 14 йиллигини нишонлаш орқали ўзбек халқи тараққиётнинг демократик йўлини танлаганини ва қонунчилик таъминланишини доимий равишда қўллаб-қувватлашини тасдиқлайди. Шу орқали Ўзбекистон фуқаролари қонунлари ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини сақлаб қолиш ва ривожлантириш имконини берувчи жамиятдаги ҳаётни танлади.

Конституция — бу фуқаролар ва давлат ўртасидаги ҳамкорлик ва ижтимоий шерикликни уйғунлаштирувчи, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя этишини таъминловчи воситадир. Конституция уйғунлашган фаолият учун ҳуқуқий асосларни яратиб беради. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасини келтирб ўтишни истар эдим. «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади».

Шубҳасизки, демократия халқ иродаси ифода этилишининг эркинлигига, у томонидан муайян сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг белгиланишига асосланади.

Мустақилликка эришилганидан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ривожланиши бошланди. Бозор иқтисодиёти сари ҳаракатланиш жараёнида давлат томонидан савдо ва нарх-наво шаклланишини эркинлаштириш бўйича чора-тадбирлар илгари сурилди, шунингдек, мутаносиблашган фискал ва пул сиёсати тарафдорлиги белгиланди.

Гуллаб-яшнаётган ва жадал ривожланаётган Ўзбекистон жаҳон иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшувчи салоҳиятга эга.

Минтақавий етакчи сифатида Ўзбекистон Марказий Осиёда барқарорликни таъминлашда энг муҳим аҳамият касб этади. Ушбу муҳим минтақадаги тинчлик ва барқарорлик нафақат Ғарб мамлакатлари, балки жаҳон ҳамжамиятининг манфаатларига жавоб беради, негаки, барчамиз хавфсизлик ва тараққиёт масалаларида бир-биримизга жуда ҳам боғлиқмиз.

Хавфсизлик тўғрисида гапирарканмиз, бунда биз уни нафақат сиёсат призмаси орқали кўришимиз, балки инсон ҳаёти, саломатлиги гаровлари, таълим, шунингдек, ижтимоий жиҳатни ҳам инобатга олишимиз керак.

Минтақавий геосиёсат масалаларига тўхталганда эса, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг юрагида жойлашганидан келиб чиқиб фикр юритиш даркор. Тарихан бу минтақа фалсафий ва сиёсий ҳаётнинг маркази ҳисобланиб, диний ва сиёсий очиқлик туташган замин бўлиб келган.

Ўзбекистон доимо минтақадаги сиёсий низоларни ҳал этиш тарафдори бўлган, кўплаб халқаро ташкилотларнинг аъзоси сифатида унинг тинчлик ва хавфсизлик учун курашда минтақавий ва халқаро ҳамкорлик борасидаги қатор ташаббуслари тан олинган.

Ўзбекистоннинг меҳнаткаш халқини мамлакат Конституциясининг 14 йиллиги билан чин қалбдан табриклашни истайман. Ўз юртининг мустақиллигини мустаҳкамлаётган инсонларни қутлаган ҳолда замонавий таҳдидларни енгиб ўтишда халқаро ҳамжамият билан биргаликда меҳнат қилаётган фуқароларнинг тинчлиги ва гуллаб-яшнашини таъминлашда муваффақиятлар тилайман.

2006 йил 5 декабрь, Париж, Франция. «Жаҳон» АА.

№ 238 (06.12.2006)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ — ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ АСОСИ

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИБ МИЛЛИЙ ВА МАЪНАВИЙ, МАДАНИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИ ТИКЛАБ ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ЖАБҲАЛАРДА ТУБДАН БУРИЛИШ ДАВРИГА КИРДИ. ОЧИҚ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИГА АСОСЛАНГАН ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШ ЖАРАЁНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА. АЙНИ ЗАМОНДА ДЕМОКРАТИК ЎЗАРИШЛАРДА ИЖОБИЙ СИЛЖИШЛАР НАМОЁН БЎЛМОҚДА. ҲУҚУҚИЙ ЯНГИЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТДАГИ ЎЗБЕК МОДЕЛИ ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА У ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Мустақил Ўзбекистон биринчи Конституциясининг қабул қилиниши халқимизнинг узоқ асрлик тарихида оламшумул воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ўзбек халқининг, ёш давлатимизнинг чинакам мустақиллигининг ҳуқуқий заминидир.

Мамлакатимиз Президентининг таъкидлашича "Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомусдир. Шу маънода Асосий Қонунимиз халқимиз иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир".

Мустақил Ўзбекистон учун биринчи Конституциянинг зарурати нималар билан ифодаланар эди? Мазкур саволга:

биринчидан, давлат мустақиллиги негизида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлини мустаҳкамлаш;

иккинчидан, мустақил Ўзбекистоннинг янги демократик давлат тузилмаларини таъсис этиш ва тартиблаштириш;

учинчидан, ўз мустақил давлат—ҳуқуқий ривожланишининг янги конституциявий-ҳуқуқий заминини вужудга келтириш;

тўртинчидан, бозор муносабатларининг ривожига ҳуқуқий замин тайёрлаш;

бешинчидан, фуқарога, оилага ва халққа қаратилган ҳуқуқий эркинликни таъминлаш;

олтинчидан, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш учун зарур эди, деб жавоб бериш мумкин.

Конституциясиз жамиятда сиёсий барқарорлик ва тинчликка, қонунийликка ва миллий давлатчиликнинг мустаҳкамланишига эришиш амри-маҳол. Конституция ҳамжиҳатлик ва ўзаро муросани тақозо этадиган сиёсий кучларнинг ижтимоий мувозанатини таъминлайди. Бу эса мазкур кучларнинг келишувини ва ўз навбатида, бир мақсад йўлида ҳаракат қилишини назарда тутади.

Шу маънода Ўзбекистон Конституциясининг биринчи бўлими муҳим аҳамият касб этади. Давлат мустақиллиги, инсоннинг олий даражадаги қадрият эканлиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, халқ ҳокимияти, сиёсий фикрлар хилма-хиллиги, ҳокимият ваколатларининг таксимланиши, ҳуқуқий демократик давлат, иқтисодий фаолият шаклларининг хилма-хиллиги – муҳим ҳуқуқий тамойиллар туб конституциявий таг-заминлар бўлиб, бутун жамият аъзолари уларни олий қадрият деб билади ва уларга қатъий амал қилиб яшайди. Умуман, Конституция инсон, жамият ва давлат тўғрисидаги янги ҳуқуқий билимларни беради. Бу собиқ совет империяси даврида «юқоридан» ёки «ташқаридан» киритилган ҳуқуқий қоида эмас, балки, аксинча, шахсни янгича тушуниш, унинг эркин ва бахтли ҳаётини мустаҳкам кафолатланишини шакллантириш натижасидир. Бу ўринда тенглик — ҳақиқий тенглик, ҳуқуқ ва эркинликлар — суд ҳимоясидадир. Бироқ ҳуқуқ мажбуриятларсиз бўлмайди, уларни онгли равишда бажарилмаса, олға силжиш бўлмайди. Шу боис Конституция ва қонунларга риоя қилиш, табиий ва маданий меросни асраб-авайлаш, солиқ ва йиғимларни ўз вақтида тўлаш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқаролик жамияти ва давлат ҳокимияти органларини янги тизимининг пухта ҳуқуқий заминларига асос солди.

Энг муҳими — Конституция халқнинг ўткинчи тантанаси ва шодиёнаси учун қабул қилинмайди. У жамиятнинг кундалик ҳаёти, унинг истиқбол йўлини белгиловчи олий юридик ҳужжатдир. Конституцияни сўзсиз ва изчил амалга ошириш барча фуқаролар ва давлат органларининг ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг биринчи галдаги вазифалари ва мажбуриятларидир. Халқ — Конституциянинг кафолати ва унинг ҳаракатлантирувчи асосий кучидир.

Ўзбекистон Конституцияси — узоқ муддатга мўлжалланган сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат. У ўзбек миллий давлатчилигининг, ўз ҳуқуқий янгиланиш ва тараққиёт йўлининг ҳуқуқий пойдеворидир.

Ўзбекистон Конституцияси аста-секин кундалик турмушимизга сингиб бормоқда. Бу фикр оддийгина кўринса-да, унда чуқур маъно бор, яъни Конституциямиз амал қилмоқда ва ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқурроқ кириб бормоқда. У Ўзбекистон мустақил давлати ҳуқуқий ривожланишининг асосий йўналишларини белгилайди.

Шу жиҳатдан, Конституцияни ўрганиш, унинг принципларини ўзлаштириш, ҳар бир моддасини билиш ва уларга риоя қилиш Асосий қонун нормаларини ҳаётга изчил татбиқ этишнинг муҳим омили саналади.

Ўзбекистоннинг собиқ совет республикалари орасида биринчилардан бўлиб мустақиллик тўғрисидаги масалани кўтаргани, бу тарихий воқеадир. Ўша йиллар ҳужжатларини эътибор билан ўрганилса, мустақиллик ғояларини амалга ошириш режаси Президент ташаббуси билан қабул қилинган барча қарорлар ва дастурларнинг марказида турганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

1990 йилнинг март ойида бўлиб ўтган Республика Олий Кенгаши ўн иккинчи чақириқ биринчи сессиясидаёқ Ўзбекистоннинг истиқболдаги фаолият дастури ва республика иқтисодий, ижтимоий-маънавий мустақиллигининг асосий концепциялари кўриб чиқилган ва маъқулланган эди. Мазкур концепцияларда Ўзбекистонинг мустақил давлат эканлиги, республиканинг барча бойликлари, жумладан, ер усти, ер ости бойликлари, табиий заҳиралар, маданий ва тарихий бойликлар унда яшаб турган халқларнинг миллий мулки эканлиги эълон қилинган эди.

Айни шу сессияда собиқ иттифоқда биринчи бўлиб, 1990 йил 24 мартда Ўзбекистонда Президент лавозимини таъсис этиш ва Конституция (Асосий Қонун)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунга асосан президентлик бошқаруви шакли қабул қилинган эди.

1990 йилнинг 20 июнида Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ иккинчи сессияси "Мустақиллик тўғрисида Декларация" қабул қилган эди. Мазкур ҳужжатда Республика мустақиллигининг асосий принциплари — республика ҳудуди ва чегараларида республика қонунларининг устунлиги, ички ва ташқи сиёсат масалаларини мустақил ҳал этиш, халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини тан олиш ва ҳурмат қилиш, ўз тараққиёт йўли, ўз номи, давлат рамзларини белгилаш ва бошқалар мустаҳкамланди. СССР сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни инобатга олиб, Ўзбекистон халқлари тақдирини ўйлаб ва мустақиллик тўғрисидаги Декларацияни амалга ошириш мақсадида Республика Олий Кенгаши ўзининг ўн иккинчи чақириқ навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистон давлат мустақиллигини тантанали равишда эълон қилган эди.

1991 йил 31 августда" Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида" конституциявий қонун қабул қилинди. Мазкур қонун, мантиқан, 1992 йилнинг декабрида мустақил Ўзбекистон Асосий Қонуни қабул қилингунига қадар муваққат Конституция мақомини бажарди.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси демократик жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатини мустаҳкамлади. Мазкур Асосий қонунни Олий Кенгаш ҳар томонлама умумхалқ муҳокамасидан сўнг 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилди ва ушбу кун умумхалқ байрами — Конституция куни деб эълон қилинди.

Конституция Ўзбекистон халқларининг иродаси, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттирди. Энг аввало, у умуминсоний қадриятларга ва халқаро ҳуқуқ устунлигига содиқ қолди.

Шунингдек, унда давлатнинг фуқаролар устидан ҳукмронлиги ҳам йўқ. Конституциядан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг қарийб барча тамойилий қоидалари — инсон ҳаёти ва шахсий эркинликларининг дахлсизлиги жой олган. Конституцияга кўп миллатли мамлакатимиздаги мустаҳкам маънавий ва ҳуқуқий маконнинг умумий ғояси киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистоннинг ўз изланишлари мақсулидир. Конституция чиндан ҳам барча халқларнинг мустақиллик ва эркинликка интилиши билан пайдо бўлди. Бизнинг қонуншуносларимиз ўз конституциявий тузумини қура туриб юртимизнинг, халқимизнинг кўп асрлар мобайнида орттирган бой тажрибасига суяндилар. Ўзбекистон халқлари манфаатлари ва интилишларидан келиб чиқиб, Конституцияни яратишда Шарқ ва Ғарбдаги, турли мамлакатларнинг илғор конституциявий тажрибасидан унумли фойдаланилди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва инсоний демократияни конституциявий ҳимоя қилиш учун фаолият юргизаётган барча кишиларни ва давлат ҳокимияти органларини ҳуқуқий ҳаракатларини ҳамда ҳуқуқий онг ва маданиятни ривожлантиришга қаратилган ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий асос яратди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзбек халқининг ўзлигини англаш ва ўзлигини намоён этишга, ўзбек халқининг ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи ривожлантиришга, ўзбек халқининг ўзини ўзи ривожлантиришга, ўзбек халқининг ўзини ўзи ривожлантиришга, ўзбек халқининг

ЯҚИНДА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2006 ЙИЛ 25 АВГУСТДАГИ «МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ВА УЛАРНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Қарор ва ижро

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ЕЧИМИНИ КУТМОҚДА

Йиғилишни Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Иброҳим Абдуғаниев кириш сўзи билан очар экан Ватанимиз Мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масалалари бугунги кунда долзарб аҳамият касб этаётганлигига алоҳида эътибор қаратди.

Шунингдек,йиғилишда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини,уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини ошириш борасида қилинаётган ишларнинг аҳволи танқидий нуқтаи назардан чуқур таҳлил этилди. Бу борада жойларда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар аниқ мисоллар асосида кўрсатиб ўтилди.

Гулнора САТТОРОВА

СОҒЛОМ ТУРМУШ – СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

ЁШЛАРИМИЗНИ ЗАРАРЛИ ОДАТЛАРДАН, АЙНИҚСА ГИЁВАНДЛИК, ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА ЧЕКИШ СИНГАРИ ИЛЛАТЛАРДАН АСРАШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА АМАЛ ҚИЛИШГА ЎРГАТИШ БУГУНГИ КУННИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИДАН ҲИСОБЛАНАДИ.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Республика Саломатлик институти ҳамда мазкур институтнинг Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни олдидан Бектемир туманидаги 291 ва 293-мактаб ўқувчилари ҳамда «Роҳат» маҳалла фуқаролари иштирокида «Зарарли одатлар ва ёшлар», «ОИТСнинг олдини олиш» мавзуларида савол-жавоб кечаси ўтказилди.

Тадбирни Республика Саломатлик институти Тошкент шаҳар филиалининг «Соғлом турмуш тарзи» бўлими услубчи-шифокори Насима Аҳмедова кириш сўзи билан очиб, келажагимиз бўлган ёш авлодни турли хил зарарли одатлардан сақлаш, аср вабоси бўлган гиёвандлик, СПИД сингари касалликларнинг оқибатлари тўғрисида гапирди. Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Соғлом турмуш тарзи бўйича бош мутахассиси Ёри Жўраев «Соғлом турмуш тарзининг асосий йўналишлари» ва «Зарарли одатлар ва ёшлар» мавзусида сўзга чиқиб, ҳозирги кунда бу зарарли одатлар, айниқса ёшлар ўртасида муаммо бўлиб келаётганлиги тўғрисида мисоллар орқали батафсил маълумот берди. Шаҳар наркология диспансери шифокори Ирина Горшкова «Гиёвандликнинг олдини олиш» ҳамда гиёвандлик туфайли ОИТС билан касалланаётганлар сони кундан кунга ортиб бораётганлигини айтиб ўтди. Бектемир тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар шифокори Маҳмуда Обиджонованинг «ОИТС касаллигининг юқиш йўллари,унинг тарқалишининг олдини олиш» ҳақидаги маърузаси ёшларни соғлом турмуш тарзига амал қилишларини, бундай зарарли одат ва турли юқумли касалликларга чалиниб қолмасликка чорлаб, уларни эҳтиёткорликка чақирди.

Ёшларда катта таассурот қолдирган ушбу долзарб мавзудаги тадбирда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан тўлиқ жавоб олдилар.

Дилором ИКРОМОВА

Муборак сафар олдидан

БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛАДИ

ЎЛКАМИЗДА КАФОЛАТЛАНГАН ВИЖДОН, ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИНИ АЙНАН МУСТАҚИЛЛИК МЕВАСИ ДЕСАК ХАТО ҚИЛМАГАН БЎЛАМИЗ. АЙНИ ШУ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ САМАРАСИ ЎЛАРОҚ ЯҚИН КУНЛАРДА БИР ГУРУҲ ВАТАНДОШЛАРИМИЗ МУБОРАК ҲАЖ САФАРИНИ АДО ЭТИШ УЧУН САУДИЯ АРАБИСТОНИГА ЖЎНАБ КЕТАДИЛАР.

Бўлғуси ҳожиларимиз учун яратиб берилаётган шароитлар қўшни мамлакатлардан анчагина фарқ қилиб йилдан йилга намунали ташкил этилаётгани, Ҳаж зиёратининг уюштирилишида муайян тизим шаклангани ва уларга ўз соҳасининг етук мутахассислари хизмат кўрсатишаётгани ўзини ижобий самарасини бермоқда. Албатта Ҳаж зиёрати кишидан ўзига хос тайёргарликни талаб этади. Шу боис мазкур соҳага мутасадди бўлган ташкилотлар жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Алишер Навоий номидаги санъат саройида пойтахтимиз ва вилоятлардан Ҳажга борувчи мингдан зиёд фуқаролар билан соҳа мутахассислари учрашув ўтказдилар.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмон қори Алимов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмитанинг масъул ходими Муҳаммадбобур Йўлдошев, Ички ишлар вазири ўринбосари Абдулла Қўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг бош консультанти Камолжон Комилов, Ички ишлар вазирлигининг хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бошқармаси бошлиғи Бадриддин Шорихсиевлар Ҳаж ибодати ва унинг арконлари, Ҳаж сафарига кетувчи фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумотлар беришди.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар йили мамлакатимиздан 5 мингга яқин фуқаро муборак Ҳаж сафарини адо этиш учун Саудия Арабистонига йўл олади. Юртбошимизнинг бевосита раҳбарлиги остида Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ҳаж ибодатини адо этиш ниятида бўлган ватандошларимизга етарлича шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида катта ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда бўлғуси ҳожиларимиз Тошкент халқаро аэропортидан тўғридан тўғри Саудия Арабистонининг Мадина шаҳрига етиб борадилар. Ҳаж зиёратини адо этиш ниятида бўлганларга намунали хизмат кўрсатиш учун 30га яқин тиббиёт ходими ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари бундан бир ҳафтача олдин ушбу мамлакатга етиб борганлар. Бу эса ўз навбатида Ҳаж зиёратини адо этмоқчи бўлганларга барча шарт-шароитлар яратилади деганидир.

Йиғилишда сўз олган мутасадди идоралар вакиллари юқорида таъкидлаб ўтилган масалаларга алоҳида эътибор қаратишди. Тадбир сўнгида Ўзбекистон телевидениеси ижодкорлари томонидан суратга олинган «Ҳажнома» маърифий дастури намойиш этилди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

2006 — Хомийлар ва шифокорлар йили

ҲАМ ДАВОЛАНАСИЗ, ҲАМ КЎНГИЛЛИ ДАМ ОЛАСИЗ

ИНСОН СОҒЛОМ БЎЛСА, СОҒЛОМ ФИКРЛАЙДИ, ЭРКИН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ. ЗЕРО, ХАЛҚИМИЗ СОҒ ТАНДА СОҒЛОМ АҚЛ, ДЕБ БЕЖИЗГА АЙТМАГАН. ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ҲАМ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ЯНАДА УЛКАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИШИДА МУҲИМ РОЛЬ ЎЙНАМОҚДА. МАМЛАКАТИМИЗДА ФУҚАРОЛАР САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШГА, ТИББИЁТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА, ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИГА ЕТКАЗИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури», «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳам ана шу мақсадга қаратилган.

Томчида қуёш акс этади, деганларидек «Чинобод» санаторийсида ҳам бу борада самарали ишлар бажарилаётганини кўрамиз. Шаҳримизнинг сўлим ва баҳаво масканида жойлашган Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши қошидаги очиқ акциядорлик жамияти «Чинобод» санаторийсини мамлакатимиз аҳолиси яхши билади. Мазкур санаторий 18 гектарли яшил арчазору, манзарали ва мевали дарахтлар билан қопланган майдон ҳудудидан жой олган бўлиб, бамисоли ўзига хос воҳа ҳосил қилади. Ҳовлисида эса замонавий даволаш бўлимлари, 250 ўринли маданият саройи, ёзги ва қишки кинотеатр, ошхона, чойхона, дўкон, кутубхона, футбол, спорт майдончалари, даволаш гимнастикаси зали, кўнгилочар дам олиш хоналари аҳоли саломатлигини тиклаш йўлида беминнат хизмат қилмоқда.

Бу ерда қизилўнгач, ошқозон ости бези яллиғланиши, жигар хасталиклари, ўтхалта ва ўт йўллари, шунингдек, ичаклар яллиғланиши касалликлари билан оғриган беморлар даволанадилар.

—«Чинобод» санаторийсида асосий даволаш муолажалари табиий бойликлардан кенг кўламда фойдаланиш орқали олиб борилади,— дейди олий тоифали шифокор Холида Ачилова.— Шу жумладан бу ерда 1600 метр чуқурликдан олинадиган кам минераллашган кимёвий таркиби бўйича хлоридсульфатли, гидрокарбонат натрийли бўлган 48-50 С ҳароратли маъданли сув мавжуд. Бундан ташқари, Жиззах вилоятининг Балиқли кўлидан келтирилган шифобахш балчиқ, парафин ва озокерит, юқори ва паст частотали электртоклар, лазер, инфра-қизил, ультрабинафша нурлари билан даволаш, қўлда уқалаш услублари кенг кўламда қўлланилади. Табиий бойликлар билан бир қаторда беморларнинг умумий аҳволини, айниқса юрак-қон томир, ҳамда камқонлик касалликларини ҳисобга олган ҳолда дори-дармонлар, беморга қувват берувчи шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламалар, парҳез овқатлар берилади.

Сиҳатгоҳимизда ҳар йили 6 мингдан зиёд беморлар мароқли дам олиб, даволаниб кетадилар. 360 кишига мўлжалланган ётоқ бўлимлари, ванна, сув, лой билан даволаш бўлими ҳамда ташхис ва физиотерапия бўлимлари дам олувчилар учун тўхтовсиз иш олиб боради. Шунингдек, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, клиник-биокимё лаборатория бўлимлари мавжуд.

Жаҳон андозаларига мос равишда қайта таъмирланган люкс хоналарида даволанувчилар учун барча шарт-шароитлар кўнгилдагидек яратилган. Даволанувчилар юзидаги мамнунлик, биз шифокорлар учун ҳар қандай юксак баҳодан улуғроқдир, бу эса ишимизга янада рағбат бағишлайди.

Мазкур масканда лазер нурлари билан даволаш, стоматология, ингаляция, фольдиагностика, гинекология, УЗИ, электрокардиография, гастрофиброскопия сингари хоналарда малакали шифокорлар беморлар дардига малҳам бўлмоқдалар. Жумладан, терапевт, эндокринолог, офтальмолог, отоларинголог,андролог, кардиолог хоналари доимий равишда дам олувчилар хизматига шай.

—Сиҳатгоҳда даволанувчиларнинг саломатликларини тиклаш учун замонавий тиббий жиҳозлар ўрнатилган,—дея суҳбатимизга қўшилди сиҳатгоҳ бошқаруви раисининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Рўзали Мелиев. — Япониядан келтирилган «Олимпус» гастрофиброскоп аппаратида қизилўнгач, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак текширилади. «АМОК» деб номланувчи замонавий аппарат билан эса ичакларда минерал сув ва ҳар хил дори воситалар ёрдамида тозалаш ишлари амалга оширилади. Инфрақизил- резонас терапия хонасида инфра қизил нурлари билан даволаш йўлга қўйилган. Келгусидаги режаларимиз жаҳон андозаларига мос янги даволаш бўлимларини очиш. Ниятимиз ҳам, мақсадимиз ягона инсонлар саломатлигини муҳофазалаш, касалликларни тез ва самарали даволаш, ташхисни аниқ ва тўғри қўйиш, шифо олиш учун келган ҳар бир беморнинг яхши дам олиши ва даволаниши учун барча шарт-шароитларни яратиб беришдан иборат. Зеро, инсонлар соғлиғи юрт бойлигидир.

Соғлом киши, энг бой инсон. Халқи соғлом юрт эса энг бой давлатдир. Инсонлар саломатлигини тиклашдек шарафли ишни ўз зиммамизга олган эканмиз уни чин кўнгилдан адо этмоқ ҳар биримизнинг асосий вазифамизга киради. Чунки фуқаролар соғлиғини асраш, ҳимоя қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир...

Санаторийда А.Носиров, Х.Ачилова, Р. Эргашев, Н. Раззоқов сингари ўз касбининг билимдони бўлган тажрибали олий тоифали шифокорлар, шунингдек Н.Ахмедова, В.Бойбекова, Д.Мираҳмедова, З.Буронулова сингари кўли енгил, ширинсўз ҳамширалар беморларнинг саломатликларини тиклашда камарбаста бўлмоқдалар. Суҳбатимиз жараёнида дам олувчилар ҳам сиҳатгоҳ ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

—Мен ушбу санаторийда ҳар йили келиб даволанаман,—дейди самарқандлик Аҳрор Раҳимов: — Ошқозон, ўт пуфагим оғриб туради. Шифокору, ҳамширалардан миннатдорман. Бу ердаги шарт-шароитлар менга жуда ёқади. Ҳечам зерикмайман. Даволангандан сўнг ўзимни жуда енгил сезаман. Сиҳатгоҳнинг озода, орасталиги, ходимларнинг тиним билмай сидқидилдан беминнат хизмат қилишлари рости доимо кайфиятимни кўтариб туради.

—«Чинобод» санаторийси ўз номига муносиб обод ва гўзал маскан,—дейди Эътибор Бурхонова. — Бу ерга иккинчи йил келиб даволанаяпман, малакали шифокорлар дардимга малҳам бўлишди.

Ҳа, «Чинобод» санаторийсида инсонларнинг даволанишлари ва дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ширинсўхан шифокору, ҳамширалар дам олувчиларга астойдил хизмат қилмоқдалар. Бу ишларнинг бошида эса ўз ишининг билимдони, талабчан ва қатъиятли раҳбар, санаторий бошқаруви раиси Одилжон Мамажонов турибди. Дарҳақиқат, бемор учун энг аввало бир оғиз ширин сўз ва эътибор жуда зарур. Дам олувчиларнинг дил изҳорлари, раҳмату дуоларини эшитиб рости жуда мамнун бўлдик.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: «Чинобод» санаторийси ҳаётидан лавҳалар

ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Салтанатим мартабаси бўлмиш тўра-тузуклар ва қонун-қоидаларни ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалакининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобладим.

Биринчи тоифа— саййидлар, уламо, шайхлар ва фозилларни ўзимга яқинлаштирдим. Улар менинг саройимга доимо келиб-кетиб, мажлисларимни безаб туришди. Диний, ҳуқуқий, ақлий масалаларни ўртага ташлаб, қимматли фикрлар билдиришарди. Ҳалол ва харомга оид масалаларни мен улардан ўргандим.

Иккинчи тоифа — ақлли кишилар ва кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор, қатъиятли арбоблар, кейинини ўйлаб, олисни кўриб иш юритувчи, кекса ва тажрибали кишиларни хос мажлисимга киритиб, уларнинг сухбатларидан, ишларидан наф олиб, тажриба ҳосил қилардим.

Учинчи тоифа — дуогўй кишиларни қадрладим. Хилватда улардан дуолар тилаб, истакларимнинг бажо этилишини ўтиниб сўрардим. Мажлисларда, йиғинлар, базмлар ва жанг майдонларида улардан кўп баракотлар топдим. Чунончи, менинг лашкарим Тўхтамишхон лашкарининг кўплигини кўриб саросимага тушиб қолганда, соҳиби дуо бўлмиш Мирзиёддин Сабзаворий[1] бошидан салласини олди; қўлларини дуога очиб [мен учун] Тангридан зафар тилади. Ҳали дуоси тугамай, дуо таъсири кўринди [ва лашкарим ёғийни қочирди].

Яна бир мисол шулки, саройим ҳарамидагилардан бири қаттиқ бетоб бўлиб, ўлими яқинлашди. Дуогўй саййидлардан ўн икки киши йиғилишиб келдилар. Ҳар бири ўз умридан бир йилни унга бағишлади ва у соғайиб яна ўн икки йил умр кўрди.

Тўртинчи тоифа— амирлар, сарҳанглар[2], сипоҳсолорларга мажлисимдан ўрин бериб, мартабаларини юқори кўтардим. Улар билан суҳбатлашиб, маслаҳатлар олдим.

Жанг майдонида мардона қилич чопишган шижоатли жасур кишиларни ҳуш кўрардим; жанг мейдонларига от чоптириб кириб-чиқиш усулларини, ғаним лашкари тўпини бузиб, сафларини синдиришни, найза санчиб, қилич чопишни улардан сўрар эдим. Сипоҳгарлик ишларида уларга ишониб кенгаш сўрар эдим.

Бешинчи тоифа — сипоҳ ва раият бўлиб, ҳар иккисига бир кўз билан қарадим. Сипоҳийлардан чиққан баҳодирлар, довюракларга махсус фахрли ўтоғ[3], камар ва ўқдон тақдим этиб, мартабаларини кўтардим.

Ҳар мулк ва мамлакатнинг беклари, улуғлари, бошлиқ-оқсоқолларини[4] ҳурматладим; уларга совға-саломлар бериб, хизматларидан фойдаландим. Сипоҳийларимни ҳамиша жангга тайёр ҳолда тутдим; ойлик ҳақларини сўраттирмай вақтида берардим. Чунончи, Рум юришида сипоҳийларимга ўтган ва келажакда қиладиган хизматлари учун етти йиллик озуқаларини бирваракайига бердим. Сипоҳ ва раиятни шундай тутдимки, биронтаси иккинчисига зулм кўрсатиб, оёқости қилолмас эди. Бошқа сипоҳийларни ўз мартабаларига ва даражаларига қараб шундай сақладимки, улар ҳаддидан ошиб ортиқча қадам қўёлмасди. Уларнинг мартабаларини на кўп кўтариб, ҳовлиқтирмадим ва на кўп тушуриб кўнгилларини чўктирмадим. Қайси бири бирор хизмат кўрсатар экан, инъомлар бериб, бошқалардан айрича ҳурматладим.

Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқлигини кўрсам, уни тарбиятимга олиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматларига яраша мартабасини ошириб борардим.

Олтинчи тоифа — ишончли, тўғри эътиқодли, оқилхирадманд кишиларким, давлат сирларини уларга очиб, салтанат ишлари бўйича улардан маслаҳат олишимга лойиқ эдилар. Бу тоифа кишилар билан сирдошлик қилиб, ўз махфий ишларим ва ниҳоний сир-асроримни ўшаларга топширдим.

Еттинчи тоифа— вазирлар, девон котиблари ва муншийларики, салтанатим саройини шулар билан безатдим. Буларни менга мутеъ мамлакатларни кўрсатувчи кўзгу деб билдим. Чунки улар ҳар мулк-мамлакат, сипоҳ ва раият воқеаларини менга билдириб турдилар. Булар давлат хазинаси, сипоҳ ва раиятга оид ишларни тартибга солиб юритдилар. Салтанат мулкига тушган раҳналарни беркитишнинг лойиқ чораю тадбирларини кўрдилар. Салтанатим корхонаси хазинасининг кирим ва чиқимига оид ишларни тўғри олиб бордилар. Ҳамиша мамлакат тўкинчилиги ва ободлиги учун ҳаракат қилишарди.

Саккизинчи тоифа — ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандисларки, улар салтанат корхонасига ривож берувчилардир. Уларни ўз атрофимга тўпладим. Ҳакимлар ва табиблар билан иттифоқда беморларни даволатар эдим. Мунажжимлардан сайёраларнинг қутлуғ ва қутсиз кунлари, ҳаракати ва осмонда айланишини аниқлаб олардим. Муҳандислар билан иттифоқда олий иморатлар барпо этиб, боғу бўстонларнинг тарҳини чиздирдим.

Тўққизинчи тоифа—муҳаддислар, пайғамбар, унинг авлодлари ва саҳобалари ҳақида ривоятлар нақл қилувчилар ҳамда қиссахонлар бўлиб, уларни ҳам ўзимга яқинлаштирдим. Пайғамбарлар ва авлиёлар ҳақидаги қиссаларни, ўтган подшоҳлар тўғрисидаги хабарларни, уларнинг салтанат тахтига қандай етишганликларини, давлатларининг қандай сабабларга кўра завол топганликларини улардан сўраб билардим. Ҳар қайсисининг қиссалари ва хабарлари, ишлари ва сўзларини эшитиб тажрибам ортди. Оламда бўлаётган воқеаларни улардан эшитардим ва жаҳон аҳли аҳволидан хабар топар эдим.

Ўнинчи тоифа — машойихлар, сўфийлар, Худони таниган орифлардир. Уларнинг хизматларида бўлиб, суҳбатлар қурдим ва охират фойдаларини олдим. Улардан Тангри таолонинг сўзларини эшитиб, кароматлар кўрдим, мўъжизаларини мушоҳада этдим ва суҳбатларидан роҳатланиб, ҳузур қилдим.

Ўн биринчи тоифа — касбу ҳунар эгаларидир; буларнинг ҳар тоифа ва синфидан бўлганларини давлатхонамга олиб келиб, ўз ўрдамдан ўрин белгиладимки, сафарда ва турғунликда сипоҳимга керак яроқлар ва бошқа жиҳозларни ҳозирладилар.

Ўн иккинчи тоифа — ҳар мамлакат ва диёр саёҳатчиларию мусофирларининг бошини силадимки, турли мамлакатлардан менга хабар келтириб турдилар. Ҳар бир мамлакатга ва диёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладимки, улар қаерга боришмасин, Хитойгами, Хўтан, Чину Мочин[5], Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистонгами[6], у ерларнинг нафис матолари ва муносиб туҳфаларидан келтирсинлар. Ўша мамлакатларда истиқомат қилувчи кишиларнинг ҳол-аҳволи, турмуш-турмуши ҳақида менга хабар олиб келсинлар. Ҳар бир мамлакат ҳукмдорининг ўз раиятига қандай муомалаю муносабатда эканлигини аниқласинлар.

(Давоми бор).

---

1 Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома"ларида Мир Сайиид Барака номи келтирилади.

*2 **Сарҳанг** –(форс. қўшин қўмондони) — саркарда; Эронда армия полковниги. Бу атама таржимон Абу Толиб Ҳусайний ат-Турбатий томонидан киритилган бўлиши мумкин.*

*3 **ўтоғ** – бош кийимга тақиладиган, укпар ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган зийнатли белги, мансаб ва мартаба рамзи.*

*4 Матнда **«Калонтарон ва кадхудоён»**.*

*5 **Чину Мочин** — Шарқ қўлёзмаларида одатда Хитой назарда тутилади.*

*6 **Фарангистон** — ҳам Ғарбий Европа, ҳам Франция дея таржима қилиш мумкин.*

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ДИЛГА ЗАВҚ БЕРУВЧИ САНЪАТ

Форс ва ўзбек адабиётида «қалб» ёки «мақлуб» деган санъат бўлиб, бу санъат шоирлар томонидан кенг қўлланилган. Адабиётшунос олим Ваҳоб Раҳмонов «Шеър санъатлари» номли китобида бу санъат ҳақида тўлиқ маълумот келтиради. Қалб ёки мақлубнинг маъноси «айлантириш» бўлиб, одатда қандайдир сўз терсидан ўқилганда ҳам ўнгидан ўқилган маънони англатади ёки бошқа тугал бир маънони билдиради. Масалан, «нон» сўзи ҳар иккала томондан ўқилса ҳам бир хил маънони англатаверади ёки «нок» сўзи терсидан ўқилса «кон» маъносини англатади. Бундан ташқари, сўздаги ҳарфларни ўзгартириб ўқиш орқали ҳам бу санъатни ифодалаш мумкин. Масалан, «жамол» сўзининг ҳарфлари ўзгартирилса, «мажол» ҳосил бўлади.

В.Раҳмонов Навоий билан боғлиқ бир воқеани келтиради. Унинг ёзишича, Навоий шаҳзода Абу Бакрга адабиётдан сабоқ бериш билан бирга қалб санъатини ҳам ўргатган экан. Бир куни Абу Бакр Навоий ҳузурига кириб, «ковок» сўзини қалб санъатига мувофиқ топганини айтибди. Навоий шаҳзодадан хурсанд бўлиб, «шобош» деган экан. «Ковок» ҳамда «шобош» сўзлари терсидан ўқилса, бир хил маънони англатаверади.

Мен бу санъат ҳақида биринчи марта қиблагоҳим Маҳдум Восилий (Мулла Ҳасанхон Маҳдум ибн Мулла Муҳаммад Иброҳим, 1898-1979)дан эшитган эдим. Маҳдум Восилий 1920 йилларда Мирараб мадрасасида таҳсил олган бўлиб, араб ва форс тилларини ўз она тилидек билар эдилар. Фаннинг ҳар хил соҳалари бўйича 30 дан ортиқ рисолалар ёзган бўлиб, ғазаллари 2002 йили «Марҳаммат илҳомлари» номи билан Тошкентда нашр этилган. Қиблагоҳимнинг қўлларида форс тилида ёзилган «Шабистони нўқот ва гулистони луғот» («Ҳикматлар шабистони ва луғатлар гулистони») номли тошбосма китоб бўлиб, қиблагоҳим илм аҳллари уйимизга йиғилган пайтларида бошқа китоблар қатори «Шабистон» китобидан ҳам ўқиб берар эдилар. Бу китоб Фаттоҳий тахаллуси билан машҳур бўлган Яҳё Шайбак Нишопурий қаламига мансуб. Муаллиф китобнинг ёзилиш йилини қуйидагича баён қилади:

Шабистоне чунон зебост назди ҳар сухандоне,
Ки таърихи тамоми ў бувад «зебо шабистоний».

Абжад ҳисоби бўйича «зебо шабистоний» сўзларидан 853 ҳижрий (1449 мелодий) йили чиқади.

8 бобдан иборат бу китоб бошдан-оёқ қалб санъатига бағишланган бўлиб, унда турли ҳикматлар ва ҳикоятларда қалб санъати моҳирона ишлатилган эди.

«Шабистон» китоби аввало қўлёзма ҳолида тарқалган бўлиб, ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар фондида унинг 32 та қўлёзма ва 8 та тошбосма нусхаси сақланмоқда. Китоб шу кунгача, «Шабистон», «Шабистони ишрат», «Шабистони Фаттоҳий» ва «Шабистони хаёл» номлари билан атаб келинган. Шайбонийлардан Абул Азизхон даврида Ҳожи Муҳаммад Баҳром ибн Муллазода томонидан «Шабистонга» форсча тушунтириш ёзилган бўлиб, «Шарҳи Шабистон» номи билан тарқалган. Унинг 5 та нусхаси ЎзР ФА Шарқшу нослик институти фондида сақланмоқда.

Маҳдум Восилий шаҳар ва қишлоқларни кезиб юриб, одамларнинг қўлида мавжуд бўлган қўлёзма ва босма китобларни сотиб олар эдилар. Ҳозир улардан бизга 600 жилддан ортиқ китоблар мерос қолган бўлиб, олимнинг ўз уйида ташкил этилган «Маънавий мерос» марказида сақланмоқда. Шундай саёҳатлардан бирида Маҳдум Восилий «Шарҳи Шабистон» китобини ҳам кимдандир сотиб олган бўлиб, «Шабистон»даги тушунилиши қийин бўлган нуқталарни «Шарҳи Шабистон» орқали билиб олар эдилар.

Мен бу санъатнинг баъзи қоидаларини қиблагоҳимдан эшитганим учун «Тошкент оқшоми» саҳифаларида эълон қилган баъзи ҳикоят ва шеърларимда шу усулни қўллаб юрар эдим. Университетда ўқиб юрган пайтларимда «Шабистон»ни мутолаа қилишга уринсам-да, бироқ уни тўлиғича тушуна олмас эдим. Йиллар ўтиб, «Шабистон»ни яна қўлимга олдим. Йиғилган тажрибаларим энди уни тўлиқ тушунишга имконият яратди. Уни диққат билан мутолаа қила бошладим. Шундан сўнг кўнглимда баъзи ҳикмат ва ҳикоятларни «Шабистон» усули бўйича ёзиш ва уларда имконияти борича қалб санъатини ишлатиш ва ўз шеърларим билан безатиш истаги туғилди.

Ҳурматли қиблагоҳим Маҳдум Восилий жиянларим ва баъзи дўстларининг илтимослари билан «Заруриёти Рашидиййа» («Рашидга аталган зарур нарсалар) , «Заруриёти Маҳмудиййа» (Маҳмудга аталган зарур нарсалар) каби қатор китоблар ёзган эдилар. Араб тили бўйича мутахассис ўғлим Убайдуллахон бобоси томонидан ёзилган бу китобларни кўриб: «Дада, сиз ҳам менга аталган бир китоб ёзиб беринг», — дер эди. Бошлаган бу китобимни тезлатишга тушдим ва уни ўғлим Убайдуллахонга бағишладим. Номини эса «Фавоийди Убайдиййа» («Убайдуллоҳ учун фойдалар») деб қўйдим.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
тарих фанлари доктори,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти
Шарқ қўлёзмалари фонди мудири.

(Мазкур китобдан ўрин олган ҳикоятларни газетанинг кейинги сонларидан бошлаб ўқишингиз мумкин).

Спорт

ЁШЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАШДИ

ҚАТАР ПОЙТАХТИ ДОХА ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН XV ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРМОҚДА.

Айниқса, футбол бўйича уюштирилаётган гуруҳ баҳслари мутахассислару ишқибозларда катта таассурот қолдирмоқда.

Ўз гуруҳида аввалига БАА терма жамоаси билан беллашиб 2:1 ҳисобидаги муҳим ғалабани қўлга киритган Рауф Инилеев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи баҳсда майдон эгалари — қатарлик чарм тўп усталари билан куч синашди. Шуниси эътиборлики, иорданиялик футболчиларни 3:0 ҳисобида енга олган Қатар терма жамоаси ҳам кейинги босқичга чиқиш учун яхши имкониятга эга эди. Шу боис ҳам терма жамоамизга ғалаба сув билан ҳаводек зарур эди. Асосан Дохага 23 ёшли футболчиларни олиб борган Рауф Инилеев шу куни майдонга Нестеров, Суюнов, Клецков, Алиқулов, Иномов, Денисов, Ҳайдаров, Жепаров (Қўзибоев), Копадзе, Магдиев (Таран), Гейнрих (Бикмаев)ларни туширди. Тан олиш керак, ғалаба иштиёқида майдонга тушган ҳамюртларимиз дастлабки дақиқаларданоқ рақиб дарвозаси томон шиддатли ҳужумлар уюштиришди. Бир неча марта Жепаров, Копадзе, Гейнрихлар қулай имкониятлардан фойдалана олишмади. Ва жамоалар иккинчи бўлимда янада кескин ҳужумкор ўйин намойиш этишди. Рауф Инилеев томонидан амалга оширилган тактик ўзгаришлар ўз самарасини берди. Чунки марказий ҳимоячи Виталий Денисов бу сафар чап қанотда ҳаракат қилган бўлса, ярим ҳимоячи Темур Копадзе ҳужумчиларга ёрдам берди. Иккинчи бўлимда мезбонлар ҳам икки-уч марта ҳамюртларимиз дарвозасига хавфли ҳужум уюштиришга муваффақ бўлган бўлсаларда, ўзбекистонликларнинг қарши ҳужумлари мезбонлар ҳимоячиларини саросимага солиб қўйди. 67-дақиқада жамоадоши Копадзе томонидан аниқ узатилган тўпни маҳоратли ҳужумчимиз Гейнрих рақиб дарвозасига жойлаб қўйди. Ана шу ягона гол ҳамюртларимизга муҳим ғалабани туҳфа этди ва учрашув охиригача ҳисоб ўзгармади. Ушбу ютуқдан сўнг Рауф Инилеев шогирдлари олти очко жамғариб гуруҳда якка пешқадам бўлиб олишди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ёшларимиз ишончни оқлашди. Бундан буён ана шу ёшларнинг миллий терма жамоамиз сафида расмий учрашувларда янада кўпроқ ўйнашларига имкон яратиш пайти аллақачон етиб келди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ШАҲРИМИЗДАГИ «ДИНАМО» СПОРТ ЗАЛИДА УЧ КУН ДАВОМИДА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ИДОРАЛАР ХОДИМЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН XV СПАРТАКИАДА ДОИРАСИДА ҚЎЛ ЖАНГИ БЎЙИЧА МУСОБАҚАЛАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда шаҳар ИИББ, ИИВ академияси каби ўнта идорадан энг маҳоратли қўл жанги усталари ғалаба учун кураш олиб бордилар. Мухлислар мусобақа иштирокчиларининг кўплаб чиройли усулларни қўллаганликларини, кескин ва муросасиз баҳсларни мириқиб томоша қилдилар, уларнинг олқишлари тез-тез янграб турди.

Жумладан, ИИВ академияси тингловчиси Шерзод Салимов айниқса кучли маҳорати билан барчани лол қолдирди. У финалда «тегирмон» усулини қўллаб рақибини доғда қолдирди ва ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасидан жой олди. Шунингдек, Миллий хавфсизлик хизмати, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби, шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг кўплаб вакиллари ҳам ғолиблар сафидан ўрин олишди.

Барча вазн тоифаларида ҳал қилувчи финал беллашувлари ўтказилгандан сўнг умумий натижалар ҳисоб-китоб қилинди. Шундай қилиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Миллий хавфсизлик хизмати қўл жанги усталарига насиб этган бўлса, шаҳар ИИББ вакиллари иккинчи бўлишди. ИИВ академияси иштирокчилари фахрли учинчи ўринни банд этишди.

Мусобақанинг барча ғолиб ва совриндорларига дипломлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: турнирдан лавҳалар.
Алексей Попов олган суратлар

ГИЛАМДА — ҚЎЛ ЖАНГИ УСТАЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЛИЙ ТЕХНИК МАКТАБИДА "ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ" ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГА БАҒИШЛАБ КУРСАНТЛАР ЎРТАСИДА ВИКТОРИНА ЎТКАЗИЛДИ.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Унда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХОТМ бошлиғи генерал-майор М. С. Собиров, Тошкент Давлат юридик институти профессори, юридик фанлари доктори А. Абдумажидов сўзга чиқиб, мамлакатимиз Конституциясининг аҳамияти, ўзига хос жиҳатлари ҳақида нутқ сўзлашди. Шундан сўнг курсантлар ўртасида викторина ўтказилди. Унда 5-курсдан 6 нафар ва 4-курсдан 6-нафар талабалар ўз билимларини синовдан ўтказишди. Викторина уч босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқичда 5 тадан савол берилди. Танаффус пайтида эса саҳнага санъаткор ва курсантлар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари чиқиб, ўз санъатларини намойиш этишди. Иштирокчиларнинг савалларга берган жавоблари 7 кишидан иборат ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланиб борилди. Учинчи босқичдаги савол-жавоблардан сўнг, ғолибликни қўлга киритган команда номи маълум бўлди. Ғолиблар совринни ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
"Туркистон-пресс"

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 9,16,23,30 январь ва 6,13,20,27 февраль кунлари соат 11.00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида очиқ аукцион савдоларини ўтказади. Очиқ аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар Юнусобод тумани бўлинмаси томонидан тақдим этилган қуйидаги мулклар қўйилмоқда.

1. 2006 йил 16 июндаги 10473-сонли ижро ҳужжатига асосан: Давлат рақами Х430NNM бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган «АУДИ-100» русумли автотранспорт воситаси (техник соз, двигатель №RT040386, кузов № WAVZZZ44ZLN071306). **Бошланғич баҳоси — 4 000 000 сўм.**

2. 2006 йил 7 февралдаги 5281-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1995 йилда ишлаб чиқарилган, «ИЖ-2715» русумли автотранспорт воситаси (пирожковоз, дав.рақ.йўқ, кузов №583263, двигатель №7353203, кўк рангли, техник носоз). **Бошланғич баҳоси — 454 215 сўм.**

3. 2005 йил 16 июндаги 14238-44-сонли ижро ҳужжатига асосан: Давлат рақами 11О7385 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, «ИЖ-2125 комби» русумли автотранспорт воситаси (кузов №ХТК212510L0255574, двигатель рақами йўқ, бежевый рангли, техник носоз). **Бошланғич баҳоси — 233 280 сўм.**

4. 2006 йил 6 январдаги 1752-сонли ижро ҳужжатига асосан: ишлаб чиқарилган йили номаълум «МАЗДА-626» русумли автотранспорт воситаси (техник носоз, кузов №JMZGD12D201325833). **Бошланғич баҳоси — 2 361 960 сўм.**

5. 2005 йил 18 январдаги 3534-сонли ижро ҳужжатига асосан: Давлат рақами 10J8322 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган «БМВ-525» русумли автотранспорт воситаси (техник носоз, двигатель №26096863, кузов № 11ОХОВС68637, ранги қора-металлик). **Бошланғич баҳоси — 6 480 000 сўм.**

6. 2006 йил 1 мартдаги 4405-08-сонли ижро ҳужжатига асосан: Давлат рақами 10R4398 бўлган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган «ДАМАС» русумли автотранспорт воситаси (техник соз, двигатель №F8C891601, кузов № ULV7T11YDXA036522, ранги қизил). **Бошланғич баҳоси — 3 600 000 сўм.**

7. 2006 йил 24 августдаги 14340-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Қорақамиш кўчасидаги, яшаш учун мўлжалланган 11-уй (1 қаватли, ертўла, 4 хонали, 6 сотих). **Бошланғич баҳоси — 45 258 500 сўм.**

Қизиқиш билдирган харидорларга ушбу мулкларни Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлинмаси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридаги закалат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» минибанкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Шунингдек, аввал савдоларга қўйилган ва ўз харидорини топмаган объектлар, ҳар ҳафтанинг сешанба куни қайтадан аукцион савдоларига қўйилиши мумкинлигини маълум қиламиз.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳўжаев кўч. 1-уй, тел. 138-69-94, 138-69-93.

Тошкент шахар Хўжалик судининг 2006 йил 1 декабрдаги ҳал қилув қарорларига асосан БАНКРОТ деб топилган ҳамда уларга нисбатан тугатишга доир ишлар бошланган корхоналар рўйхати

№	Корхона номи	Мақоми	СТИР	Рўйхатга олинган қарор саноқ ва рақами		КТУК (ОКПО)	Хўжалик Судининг "БАНКРОТ" деб топилган қарор рақами ва санаси	Тугатиш бошқарувчи
1	BUILDING INDUSTRING INTRADE	МЧЖ	205447637	17.02.05	001557-11	19882801	10-0610/14035	01.12.2006 Норбаев Д.
2	GRAND OPTIMA SERVIS	МЧЖ	205772090	28.09.05	15/0-2090	20347197	10-0610/14036	01.12.2006 Норбаев Д.
3	SAMARALI QURILISH	МЧЖ	205742223	08.07.05	001023-03	20297309	10-0610/14037	01.12.2006 Норбаев Д.
4	SILVER-FOX	ХК	205098067	20.08.04	000386-03	19656173	10-0610/14038	01.12.2006 Норбаев Д.
5	FARGOF	ШК	203046401	29.11.99	1868	17488649	10-0610/14039	01.12.2006 Норбаев Д.
6	BEST-KONSTRUKTION	МЧЖ	206071401	06.02.06	001334-03	20537802	10-0610/14040	01.12.2006 Норбаев Д.

Ушбу корхоналарнинг топширилмаган ҳужжатлари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Кредиторларнинг талаблари эълон чиққан кундан бошлаб қабул қилинади. Кредиторлар йиғилиши **2006 йил 15 декабрда** ўтказилади. Банкротликка оид тугатиш ишлари қуйидаги манзилда давом этмоқда: Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а-уй, 603-хона.

Мунажжим башорати

САЁҲАТЛАР ВА САФАРЛАР КУНИ

7 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

Мунажжим М.Смирнованинг гувоҳлик беришича, бугунги кун чиндан ҳам сафарлар ва саёҳатлар хайрли кечадиган, шартномалар ва йирик битимлар, тижорат амалиётлари ва савдо-сотиқ катта наф келтирадиган кун экан. Шунингдек, бугун мантиқий масалаларни ечиш билан шуғулланиш, интеллектул меҳнат, ихтилофларни барҳам топтириш муваффақиятли якун топади.

Бугун турли режалар тузиш, аниқ тартиб асосида иш тутишга интилманг – ҳаммаси сиз ўйлаганингизнинг тескариси бўлиб чиқиши мумкин. Жисмоний толиқиш, майда-чуйдаларга ўралашиб қолиш, қовушмаган ишларга уриниш тавсия этилмайди.

Оқшом ҳаммом қилишнинг айни пайти. Ўзингизни ва уйингиз хоналарини покланг, тўпланиб қолган ва кераксиз эски-туски, латта-путталарни чиқариб ташланг.

Бугунги кун таклифларидан бирданига воз кечманг. Уларни дарҳол қабул қилмаслигингиз мумкин, лекин келгусида вақти келиб, таклиф этилган ёрдамдан фойдаланишингиз мумкин. Ғийбат гапларга эътибор бермасликка ҳаракат қилинг, зеро, улар кимларнингдир хасад ва кўролмасликдан айтган гапларидир. Яқинларингиз билан муносабатларингизга рахна солманг.

1-шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида «TOSHKENT SHAHAR YUQUMLI KASALLIKLARNI TASHXISLASH VA DAVOLASH MARKAZI» очилди.

Маълумот учун телефонлар: 133-95-00, 133-47-36.

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКНИНГ TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG`I ФИЛИАЛИ ҲУРМАТЛИ АБОНЕНТЛАР!

Тошкент шаҳар телефон тармоғини модернизация қилиш ва ривожлантириш режасига мувофиқ 2006 йил 5 декабрдан 2006 йил 25 декабрга қадар 21-АТСни 221 электрон АТСга ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

Рақамларни ўзгартириш жараёнида алоқада узилишлар бўлиши мумкин. Филиал маъмурияти телефонлар рақамини электрон тизимга ўтказиш билан боғлиқ айрим ноқулайликлар учун узр сўрайди.

Рақамли электрон АТСлар интеллектуал хизматларнинг кенг кўламдаги қўшимча турлари (ҚХТ)га эга. ҚХТ учун телефон узелининг маркетинг бўлимига буюртма бериш мумкин.

Электрон АТС хизматлари учун ҳақ тўланиши тарифларга мувофиқ амалга оширилади.

Аҳоли учун:

—ойлик абонентлик тўлови—665 сўм;

—кирувчи қўнғироқларга ҳақ тўланмайди;

—белгиланган сўзлашувлар лимити— ойига 180 дақиқа ҳажмидан ошиб кетган чиқувчи сўзлашувни ҳар бир тўла ёки тўла бўлмаган дақиқаси учун вақтбай тўлов;

Фойдаланувчиларнинг барча телефонлари учун—2,2 сўмдан иборат;

—шаҳарлараро ва халқаро алоқага ҳақ мавжуд тарифларга кўра тўланади.

Маълумотлар учун телефонлар:
124-21-70, 221-24-70, 134-17-17.
Маъмурият

«ТОШАВТОБУСТРАНС» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДАГИ:

«Биринчи автокорхона» ОАЖ — З.Шамсутдинова кўчаси, 3-уй, Тел. 390-28-91

«2-автобус саройи» ОАЖ — Паркент кўчаси, 263-уй, Тел. 196-57-41

«3-автобус саройи» ОАЖ — Мирпўлатов кўчаси, 57-уй. Тел. 398-69-17

«4-автобус саройи» ОАЖ — Чоштепа кўчаси, 27-уй. Тел. 50-01-67

«5-сон автокорхона» ОАЖ — Борданкўл кўрғони. Тел. 195-43-89

«7-автокорхона» ОАЖ — Халқлар Дўстлиги шоҳкўчаси, 49-уй. Тел. 79-95-31

«8-сонли автосарой» ОАЖ — Муродова кўчаси, 7-уй. Тел. 124-06-07

«12-автобус саройи» ОАЖ — Спутник кўчаси, 12-уй. Тел. 58-80-26

«18-автобус саройи» ОАЖ — Катта ҳалқа йўли кўчаси, 8-а уй. Тел. 397-03-48

2519-автожамланма — Иркутск кўчаси, 20-уй, Тел. 65-17-59.

Автобус саройлари автобусларини бошқариш учун Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган «Д» тоифали ҳайдовчилар ва кондукторларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ

Ҳайдовчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи, ишбай усулда 150-220 минг сўмни, кондукторларники эса 95-110 минг сўмни ташкил этади. Шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларининг узоғини яқин қилишдек шарафли ишга ўз ҳиссангизни қўшишга таклиф этамиз.

«Тошавтобустранс» АК маъмурияти

2006 йилнинг 24 ноябридан — 2006 йилнинг 17 декабригача

«Ўзбек давлат цирки» республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки

ЦИРК

ФАҚАТ 9 КУН
КИНГ ВА ЙЎЛБАРСЛАР ҲАВО АТТРАКЦИОНИ
«Оқ қушлар»

Дастурда ўргатилган ҳайвонлар: АЙИҚЛАР, ЧАВАНДОЗ МАЙМУНЛАР, ПАКАНА ОТЛАР ВА ЭШАКЛАР шунингдек, ЖОНГЛЁРЛАР, КЎЗБОЙЛОҒИЧЛАР ВА КУВНОҚ МАСХАРАБОЗЛАР ИШТИРОК ЭТАДИ

ШОШИЛИНГ! ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ! КЕЛИНГ!

Томошалар: шанбада соат 12.00 ва 13.00да, якшанбада, 12.00, 15.00 да, 8 декабрда соат 15.00 да бошланади.

Жадвалда ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.

Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.

Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 1407

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3962 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига еки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6